1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O‘ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

Biz – kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

2018-YIL 20-FEVRAL, SESHANBA

21 (16178)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O‘zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ҲАР БИР СОҲА ВА ЙЎНАЛИШ, ҲАР БИР ФУҚАРО ТАҚДИРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 16-17 февраль кунлари Бухоро вилоятида бўлди.**

Ташрифнинг биринчи куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кенг кўламли иқтисодий лойиҳалар билан танишди, вилоятда барпо этилаётган замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, таълим ва тиббиёт муассасаларида бўлди, ёшлар, турли соҳа вакиллари билан суҳбатлашди.

Бухоро вилояти аҳолисининг 48 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларни соғлом ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифининг иккинчи кунини Бухоро шаҳар Ёшлар маркази фаолияти билан танишишдан бошлади. Марказ тўгаракларида олиб борилаётган машғулотлар жараёнини кузатди.

Ўтган йили собиқ Маданият саройининг эски биноси капитал таъмирланиб, Ёшлар марказига айлантирилди. Уч қаватли замонавий бинода Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши фаолият кўрсатмоқда. 808 ўринли томоша зали ва 280 томошабинга мўлжалланган кинозал ёшларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш учун жуда қулай.

Масканда инглиз ва рус тиллари, шахмат-шашка, стол тенниси, ёш актёрлар, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёшлар туризми, мактабгача таълим, инклюзив таълим, тасвирий санъат, тикувчилик каби 20 дан зиёд тўгарак, руҳшунос-маслаҳат маркази фаолият кўрсатади. 4000 китоб фондига эга кутубхона ҳам ёшлар ихтиёрида.

Ёшлар маркази яқинида Бухоро давлат университети, Санъат коллежи каби қатор билим масканлари жойлашгани ушбу ўқув юртлари талаба ва ўқувчилари учун марказ тўгараклари ва кутубхонасидан фойдаланишда катта қулайлик яратади.

Давлатимиз раҳбарига Ёшлар марказида жорий йилда ташкил этиладиган янги тўгараклар, истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

– Энг яхши фазилатлар китобда мужассам. Биз ёшларимизни билимли, юксак маънавиятли қилиб тарбиялашни истасак, уларни китобга меҳр руҳида вояга етказишимиз, турли касбларга ўргатишимиз керак, – деди Президентимиз.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Бухоро – Когон йўли бўйида қурилаётган кўп қаватли уйларни бориб кўрди. Бу уйлар қурилиши 2017 йил май ойида бошланган ва уларни жорий йил мартда якунига етказиш мўлжалланган.

*(Давоми 2-саҳифада)*

» **KUN MAVZUSI**

## БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН!

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудларда яшаётган тенгдошларимизга янада яқинлашмоқда. Ёндашув ва механизм эса, жуда антиқа. Бунақаси, аниқ, ҳали бўлмаган!

Бугундан бошлаб ташкилот ёшларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш бўйича янги миссия — "Мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга тайёр тур!" шиори остидаги "Ёшлар ҳафталиги"га старт берди. Лойиҳани биринчи бўлиб Андижон вилоятида амалга оширишга қарор қилинган.

Мазкур ташаббусга Иттифоқ тизимидаги истисносиз барча ташкилотлар: Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Республика ёшлар маркази, Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш ҳамда Имконияти чекланган ёшлар ва болалар марказлари, Республика ёш олимлар, Ёш фермерлар, Ёш ижодкорлар, Ёш киноижодкорлар, Ёш дизайнерлар кенгашлари, Медиа марказ, "Yoshlar", "Mening yurtim" телеканаллари, "Yosh kuch" журнали ва, албатта, биз, "Yoshlar ovozi" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари таҳририяти сафарбар этилган.

Андижонга етиб келган миссия иштирокчилари тезкор равишда гуруҳларга бўлинди. Энди улар вилоятнинг барча туману шаҳарларига йўл олади. Маҳаллама-маҳалла, керак бўлса, хонадонма-хонадон юриб, ёшларнинг дарду истакларига қулоқ тутади, таклиф ва ташаббусларини ўрганади. Хуллас, ҳеч ким эътиборсиз қолмаслиги керак. Мақсад аниқ — муаммоси борларга ёрдам қўлини чўзиш, мушкулини осон қилишдир.

Ҳафта мобайнида жойларда 1 минг 500 га яқин турли-туман тадбирлар: давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, тренинг ва маҳорат дарсларидан тортиб, очиқ мулоқотларгача ташкил этилади. "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар ҳолидан хабар олиниб, кам-кўстига яраша тикув машиналари, озиқ-овқатлар, фарзандларига бадиий китоблар, ўқув қуроллари ва ўйинчоқлар етказиб берилади. Қолаверса, андижонликларни кўчма кино ва спектакллар намойишлари, қизиқарли саёҳатлар ҳам кутмоқда.

Вақтинча ишсиз юрган, хусусан, Президентимиз фармонига кўра афв этилган ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳафталик тадбирларига хусусий сектор вакиллари жалб қилинган. Худди шу усулда имтиёзли кредит сўраган ёшларнинг талаби ҳам қондирилади.

Ёшлар ҳузурига отланаётган олиму тадбиркорлар, фермеру ҳунармандлар, санъат аҳли, маданият ходимлари, шоир ва ёзувчилар йигит-қизлар билан минбардан туриб эмас, балки норасмий тарзда — юзма-юз ва самимий руҳда мулоқот олиб боради. Психологлар эса, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойил ёшлар билан индивидуал тартибда ишлайди.

Жараён бошдан охиригача, кунма-кун ва соатма-соат ижтимоий тармоқлардаги facebook.com/kuranbaev.k, facebook.com/yoshlarittifoqi.uz/ саҳифалари, t.me/yoshlarittifoqi_uz канали орқали онлайн тарзда ёритиб борилади.

"Yoshlar ovozi" газетасининг ҳафта мобайнидаги иккита махсус сони ҳам шу лойиҳага бағишланади. Бизни кузатиб боринг!

**Н.БАҲОДИРОВА**

» **MUNOSABAT**

## БУХОРО ҲАЁТИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛДИ

Президентимизнинг Бухоро вилоятига галдаги ташрифи ҳам хушхабарга бой бўлди. Айниқса, туризм соҳасидаги ўзгаришлар бизни беҳад қувонтирди. Дунёда мафтункор шаҳарлар бисёр. Уларнинг жозибаси қаршисида олам ҳайратда. Ҳар гал улар ҳақида эшитганимизда бу гўзалликларни ўз кўзинг билан кўрсанг, қанийди, деб ўйлаймиз. Лекин Бухорога келган киши бу ўйларни ўз-ўзидан унутади. Эски шаҳарнинг фусункор, эртакнамо сирли манзаралари ўша номдор шаҳарларнинг тасаввуримиздаги салобатини йўқотиб юборади. Президентимиз ташрифи давомида ана шундай Шариф шаҳримизни дунёга танитиш, унинг туристик салоҳиятидан тўла фойдаланишга алоҳида эътибор берди.

Юртбошимиз вилоятга ташрифини дастлаб Баҳовуддин Нақшбанд мажмуаси зиёратидан бошлашида ҳам ўзига хос маъно бор, деб биламан. Бухорода бу каби муқаддас қадамжолар кўплиги, уларни зиёрат қилиш ҳар бир юртдошимиз учун ҳам қарз, ҳам улкан саодат эканини алоҳида таъкидлаши бежиз эмас. Айниқса, Етти пир мақбаралари обод қилиниб, уларни бирлаштирувчи йўл қуриш бўйича берган кўрсатмалари келажакда зиёратчилар учун катта имконият яратади. Тасаввур қилинг, мақбаралар орасидаги 122 километр йўл Етти пир қадамжосига ҳамоҳанг тарзда ободонлаштирилади. Бунёдкорлик ишлари бажарилиши, Президентимиз таъбири билан айтганда, аждодларимиз, ушбу қадамжолар ва умуман Бухоро ҳақида тўла маълумот берадиган маршрут бўлади. Сайёҳлар эса, айнан шу каби жиҳатларга қизиқиш билдиради.

Аслида туризм ривожланган жойда иқтисодиёт барқарор бўлади. Бунга шубҳа йўқ. Лекин фикримча, туризм фақат шугина жиҳати билан муҳим эмасдек. Зеро, дунёнинг нариги бурчида яшаётган инсонлар юртимизни кўришни исташи ҳам кишида ғурур ҳиссини уйғотади. Бунинг учун, албатта, меҳмонларга етарлича шарт-шароит яратилиши керак. Шу мақсадда, вилоятимизда 2018 йилда 32 меҳмонхона, 12 мотел, 10 истироҳат боғи барпо этилиши кутилмоқда. Шунингдек, "Бухоро Палас", "Варахша" ва "Зарафшон" меҳмонхоналари реконструкция қилинади. Туризм бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ресторанлар қуриш, умуман, сайёҳларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш учун чора-тадбирлар амалга оширилади. Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент ва Жондор туманларида қишлоқ туризми йўлга қўйилади. Бу каби ўзгаришлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳам Бухорога келиш иштиёқини кучайтиради.

Юртбошимизнинг ташрифидан сўнг вилоятнинг туризм салоҳиятидан янада унумли фойдаланиш учун имконият эшиги очилди ва бу борадаги амалий ишлар жадаллашди. Бир сўз билан айтганда, Бухорода туризм соҳасида янги саҳифа очилди.

**Ирода ОРИПОВА,**
**журналист**

» **ESHITDINGIZMI?**

## "ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР " БОШҚАЧА ЎТАДИ



Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада эндиликда мактаб ўқувчилари ҳам қатнашиши мумкин. Муқаддам лойиҳага фақат республика чегараолди ҳудудларидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари жамоалари қамраб олинарди. 2011-2017 йиллар мобайнида мусобақаларда 21 минг нафарга яқин ўқувчи иштирок этган.

## "АҚЛЛИ ҚИШЛОҚ"ЛАР лойиҳаси юртимизда



Жорий йилнинг учинчи чорагидан бошлаб юртимизда бу бўйича махсус лойиҳа синовдан ўтказилиши мумкин. Уни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шафелигида амалга ошириш таклиф этилмоқда."Ақлли қишлоқ"да уйлар шамол генераторлари, қуёш батареялари ва бошқа ускуналар билан жиҳозланиб, ўзини тўлалигича энергия билан таъминлайди. Фермерлар эса, рақамли технологиялар асосида иш тутади.

## Дунё аҳли АДАБИЁТИМИЗ БИЛАН ТАНИШАДИ

2018 йил август ойида Тошкент шаҳрида "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади. Анжуман халқаро ҳамжамиятни миллий адабий меросимиз билан яқиндан таништириш, уни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида чет эллик экспертлар билан фикр алмашиш имконини яратади.




## 11 ta "Damas" ва 4 ta "Spark"

*қорақалпоғистонлик етакчиларга насиб этди*




Автомашиналар Ёшлар иттифоқининг шаҳар ва туман кенгашлари раисларига ўн йиллик имтиёзли кредит асосида тақдим этилган.

## ЕТАКЧИ САЙЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида Ёшлар иттифоқининг Етакчилар кенгаши таъсис этилди. Янги тузилманинг раиси ва сардорлари сайланди. Шу ой охиригача барча ҳарбий қисмларда Иттифоқ бошланғич ташкилотлари тузилади.




**Ўз ахборотимиз**

# ҲАР БИР СОҲА ВА ЙЎНАЛИШ, ҲАР БИР ФУҚАРО ТАҚДИРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*(Бошланиши 1-саҳифада)*

Умумий мажмуа сифатида қурилаётган уйлар сони 39 та бўлиб, 1024 хонадондан иборат. 5 қаватли ва асосан 2, 3 хонали уйлар 15 йил муддатга кредит асосида берилади.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига вилоятда олиб бориладиган янги қурилишлар ҳақида маълумот берилди. Когон шаҳрида қурилаётган 6 ва 7 қаватли уйлар қарийб 2 гектар майдонни эгаллайди.

Бухоро шаҳрининг Ислом Каримов кўчаси бўйидаги иншоотларни қайта қуриш лойиҳасига кўра, савдо, кўнгилочар марказлар, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилади. Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини айтди.

Бухоро шаҳрининг бош режасига кўра, И.Каримов, О.Эшонов, Ҳамза, М.Иқбол, С.Айний кўчалари кесишмаларидаги турар жой мавзелари қайта қурилади. Тартибсиз ва маънавий эскирган уйлар янгиланади.

Бу ердаги беш массивда 785 хонадонли 57 турар жой биноси, 181 нотурар жой бино ва 28 та ҳовли мавжуд. Янги лойиҳага кўра, 3399 хонадонли 57 турар жой биноси, 370 нотурар жой бино барпо этилади.

– Бу энг муҳим масала, – деди Президентимиз. – Одамларни рози қилиш учун аввало, уларнинг яшаш жойларига эътибор қаратишимиз, турмуш шароитини яхшилашимиз лозим.

Лойиҳаларда кўрсатилганидек, Бухоро шаҳридаги Ибн Сино кўчаси қайта қурилади. Бундан ташқари, Алпомиш ва Фароғий кўчалари кесишмасида умумий мажмуа сифатида янги турар жой бинолари қад ростлайди.

Бухоро вилоятида кўп қаватли уй-жой фондини яхшилаш дастурида эса, жорий йилда 546 та кўп қаватли уйни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш кўзда тутилган.

– Бухоро – сайёҳлар кўп келадиган шаҳар. Бу ерда тарихий обидалар кўп, лекин замонавий бино ва иншоотлар кам, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бу кўчалар бўйида замонавий бинолар қуриш керак. Бухоро нафақат тарихий, балки замонавийлик нуқтаи назаридан ҳам етакчи бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбарига Бухоро давлат тиббиёт институтининг 900 ўринли ўқув биноси ва 200 ўринли клиникаси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг қабул-диагностика бўлимини қуриш ва 120 ўринли даволаш корпусини реконструкция қилиш лойиҳалари тақдим қилинди.

Вилоятда йўловчи ташиш тизимини ривожлантириш режасига кўра, катта сиғимли автобуслар харид қилинади. Бухоро вилоятидан Россиянинг Москва, Уфа, Санкт-Петербург каби шаҳарларига янги йўналишлар йўлга қўйилади. Бундан ташқари, мавсумий йўналишлар ташкил қилиниб, вилоятларга қатновлар амалга оширилади.

– Транспорт тизимини такомиллаштирадиган вақт келди, – деди Президентимиз. – Шу пайтгача бу соҳага етарлича эътибор берилмади. Қанчадан-қанча автобус саройлари хусусийлаштириб юборилди. Чекка жойларга транспорт воситалари бормайди. Одамлар шаҳарга келишга қийналади. Бунинг учун жамоат транспорти тизимини тартибга олиш зарур.

Бухоро вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш режаси ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра, 2019 йилдан вилоятнинг асосий қисми ичимлик суви билан таъминланади. Айни пайтда бу борадаги кўрсаткич 51 фоиз, холос. Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган лойиҳада Қоракўл ва Олот туманлари аҳолисини ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни имкон қадар қисқа муддатларда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Лекин, ишнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлди.

Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани ҳозирги таҳликали замонда мамлакатимиз мудофааси ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлик даражасини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун барча шароит яратилган. Ўқув бинолари, аудиториялар, компьютер синфлари, электрон кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари, спорт зали энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

Президентимиз дастлаб Мудофаа вазирлиги қўшинларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий разведка тизимини такомиллаштириш, Бухоро вилояти ҳарбий-маъмурий сектори фаолияти, вилоятда ҳарбий шаҳарча барпо этиш борасидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Ҳарбий соҳанинг жамиятимиздаги нуфузини ошириш, қисм ва муассасалар ошхоналарини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича жорий этилган outsource тизимининг аҳамияти, захирадаги офицер кадрлар билан ишлаш, таълим муассасаларида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, фаол ҳаётий позицияга эга инсонлар этиб тарбиялаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари қисмда ҳарбий хизматчиларнинг яшаши, билим олиши, жисмонан чиниқиши учун яратилган шароитларни кўздан кечирар экан, уларнинг назарий билим ва кўникмаси ҳамда жанговар тайёргарлигини муттасил ошириб бориш асосий эътиборда бўлиши зарурлигини қайд этди.

Президентимиз ташрифи муносабати билан ҳарбий қисм шахсий таркиби саф тортди. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони улар билан суҳбатда бугунги мураккаб даврда Ватан ҳимоячилари зиммасида осмонимиз мусаффолиги ва халқимиз тинчлигини таъминлашдек ғоят масъулиятли ва шарафли вазифа турганини, ҳарбий хизматчилар ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарларга қарши ҳар лаҳза тайёр туриши лозимлигини таъкидлади.

– Армия – халқимизнинг мустаҳкам қалқони, – деди Шавкат Мирзиёев. Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад, армияни халқимизга яқинлаштиришдан иборат. Ватан ҳимоячиларининг хизмат шароитини яхшилаш, оиласи, фарзандларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича кўп ишлар қилаяпмиз. Бунга жавобан ҳарбийлар ҳам ота-боболаримизга муносиб бўлиши, замонавий билимларни пухта эгаллаб, ҳар куни ўз устида ишлаши, тажрибасини бойитиб бориши зарур.

Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириб бориш, уларни хорижда ўқитишни ташкил этиш, ҳарбий соҳага қандай дастурлар олиб келиш бўйича таклифлар тайёрлаш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни ободонлаштириш ва тозаликка риоя қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 21 апрелдаги "2017–2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида 2017-2018 йилларда барча вилоятларда чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари қуриш кўзда тутилган.

Бугунги кунда чиқиндиларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар хориждан замонавий технологиялар келтириб, ўзига хос кластерлар ташкил этаётир.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Когон туманида қурилиши мўлжалланган чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш кластери лойиҳаси билан танишган эди. Орадан бир йил ҳам вақт ўтмасдан, мазкур корхона иш бошлади.

Корхонага тумандаги бўш турган бино ва иншоотлар "ноль" қийматда берилди. Шартномага кўра, 1,6 миллиард сўм маблағ сарфланиб, бинолар таъмирдан чиқарилди. 5,5 миллиард сўм маблағ эвазига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этилди.

Хориждан бир кеча-кундузда 450 тонна чиқиндини қабул қилиш қувватига эга линия келтириб, ўрнатилди. Бу ерда металл, тош, шиша, яроқсиз резина ва автошиналар, пластмасса, ёғоч-тахта бўлаклари, шох-шабба, макулатура, қурилиш материаллари чиқиндиси, қийқим матолар сараланади ва қайта ишланади. Ушбу чиқиндилардан брикет, синтетик тола, қоғоз картон, тўқимачилик матоси, пишган ғишт, биогумус ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинади.

Айни пайтда 400 дан зиёд киши меҳнат қилаётган корхонага Бухоро ва Когон шаҳарлари, Бухоро, Когон туманларидаги маиший чиқиндилар келтирилмоқда. Кейинчалик корхона фаолиятини кенгайтириш, вилоятнинг барча ҳудудларидан чиқиндиларни йиғиб, чиқинди полигонларини чиқиндилардан тозалаш режалаштирилган. Бу кўплаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Корхона атрофидан ишчилар учун уй-жой, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, ёпиқ сузиш ҳавзаси, шифохона, спорт майдончаси, автотураргоҳ, мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасаси қуриш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Чиқинди йиғиш қамрови ва қайта ишлаш қувватини янада кенгайтириш, шундай корхоналарни бошқа жойларда ҳам ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи якунига етди. Ташриф давомида ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам қайд этилиб, уларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди. Бу ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналиш, қолаверса, ҳар бир фуқаро тақдири Президент назоратида эканидан далолатдир.

**ЎзА**

» **BANDLIK DASTURI – AMALDA**

## ЯНГИ КОРХОНАГА

### 40 нафар тенгдошимиз ишга олинган

**Давлатназар РЎЗМЕТОВ**



Хоразмда "Янгиариқ-пласт" корхонасининг биринчи навбати ишга тушди. Полиэтилен ва полипропилен гранулалардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган муассасада 40 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, яна 80 та иш ўрни яратилади.

— Уйимга яқин жойда иш топишни хоҳлардим, — дейди машинист Элбек Жуманиёзов. — Ниятим холис экан — коллежни битирдиму, ёнгинамиздаги корхонага ишга кирдим. Биз, ёшларга катта эътибор қаратаётган давлатимиздан миннатдорман.

» **XAYRIXOHLIK**

## ҲАЁТИ НОБУД БЎЛМАДИ



**Малик СИНДОРОВ**

Булунғур туманининг Каттақуёнчи қишлоғида яшовчи 21 ёшли Л.С. вақтинча ишсизликдан қийналиб қолганди. Оилавий аҳволи оғир, устига-устак фарзанд тарбияси ҳам, рўзғор ташвиши ҳам унинг гарданига тушган. Хуллас, аёл бундай ҳаётга нуқта қўймоқчи бўлди. Фалокатдан жон-жигари — туғишган укаси сақлаб қолди. Бахтли тасодифни қарангки, у воқеа жойига айни муддатида етиб келган.

Фожиадан хабар топган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман кенгаши раиси дарҳол Л.С. хонадонига отланди. Оиладаги ижтимоий муҳит, ёшгина жувонни суиқасдга ундаган сабабларни аниқлашга ҳаракат қилди.

Яшириб нима қилдик — уй хароб аҳволда. Печкага ўтин қалаб, исиниш учун хонадон соҳибларининг иқтисоди кўтармайди. Юрак-бағирни қон қилувчи бундай аянчли манзарани кўриб, Иттифоқ мутасаддиси жим туролмади. Ёрдам бериш мазмунидаги илтимоснома билан ҳокимга чиқди.

Кўп ўтмай, мурожаат қондирилди. Етакчилар Л.С. хонадонига ўтин ва суюлтирилган газ баллони етказиб берди. Энди Ёшлар ташкилоти бу оилани оталиғига олган.

Л.С.нинг ҳам ҳаётга қизиқиши ортмоқда. Унинг бир ярим яшар фарзанди она меҳрига тўйиб,соғ-саломат улғаймоқда. Баҳор келиши билан Иттифоқ фаоллари аёлнинг томорқасида экин-тикин қилиб, даромад кўришига кўмаклашадиган бўлди.

» **EKOLOGIK TARG'IBOT**

## МАВЗУ — ДОЛЗАРБ, МАЪЛУМОТЛАР — ҚИЗИҚАРЛИ

**Миркарим МИРСОВУРОВ**

"ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди Яккасарой тумани "Баркамол авлод" болалар маркази билан ҳамкорликда 91-, 100- ва 118-умумтаълим мактабларида "Экология ва ёшлар" мавзуида давра суҳбатларини ташкил этди.






Мулоқотлар чоғида жамоат фонди вакиллари ўқувчиларга атроф-муҳит муҳофазасига доир қимматли маълумотларни етказди. Бундан ташқари, "ЭКОСАН" ташаббуси билан давлат гранти лойиҳаси доирасида таълим муассасалари учун яратилган "Экология асослари" ўқув қўлланмаси, шунингдек, мактабгача ёшдаги болалар ҳамда бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган беш хилдаги рангли плакатлар тақдимоти ўтказилди. Мазкур материалларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳит муҳофазаси давлат қўмитаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Экоҳаракат мутахассислари фаол иштирок этди. Плакатлар мактабларга бепул тарқатилмоқда.

Тадбир давомида болаларга "Электр энергиясини тежа!" видеоролиги ҳамда "Номи харитага кирмаган саҳро" ҳужжатли фильми намойиш этилиб, мавзу юзасидан фикр алмашилди.

» **JONLI MULOQOT**

## ҲОКИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ



**Адҳам ЖЎРАЕВ**

Тошкент тумани ҳокими Ҳотамбек Шокиров ёшлар билан учрашди. Тадбирда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган тенгдошларимиз қатнашди.

Улар нафақат ҳоким, балки ёшлар масаласига масъул барча идора ва ташкилотлар раҳбарлари билан жонли мулоқот олиб борди.

Аввалига Ҳ.Шокиров туманда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида қилинаётган ишларга тўхталди. Туман прокурори Эркин Саноқулов, ички ишлар бўлими бошлиғи Ҳотамбек Қодиров ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган айрим ёшларнинг тақдири ҳақида гапирди. Учрашувга тажрибали тадбиркорларнинг таклиф этилгани мақсадга мувофиқ бўлди. Улар бизнесда энди ўзини синаб кўраётган йигит-қизларга қимматли тавсия ва маслаҳатлар берди. Қизиқувчиларнинг барча саволларига ойдинлик киритди.

Якунда Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши раиси Ҳикмат Зиямутдинов кенгаш қошида кўплаб тўгарак ва бизнес класстерлар фаолият кўрсатаётганини таъкидлаб, барчани бундай имкониятлардан унумли фойдаланишга чорлади.

» **TASHABBUS**

## "ЖАСОРАТ" — НАМУНА

**Шоҳрух БОБОХОН**

*Ёшлар иттифоқининг Нукус давлат педагогика институтидаги бошланғич ташкилоти қошида "Жасорат" патронаж клуби фаолият кўрсатмоқда.*

Куни кеча унинг аъзолари Нукус шаҳридаги "Қумбуз овул" маҳалласида истиқомат қилувчи ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олди.

Қария Холмурат Айтмуратов хонадонида "Жасорат"чилар ободонлаштириш ишларини олиб бориб, атроф-ҳудудни чиқиндилардан тозалади.

— Бундай тадбирларга тез-тез бош қўшамиз, — дейди азаматлардан бири Отабек Менглимуратов. — Бошқа тенгдошларимни ҳам сафимизга қўшилишга чорлайман. Бўш вақтингни ана шундай хайрли амалларга сарфласанг, Ҳақ сендан рози бўлади. Кексаларга эҳтиром кўрсатиш, бева-бечораларни йўқлаш чин инсонийлик намунасидир. Ўйлайманки, бугунгига ўхшаш акциялар давомийдир.



Барчага намуна кўрсатаётган "Жасорат" клуби аъзоларининг келгуси ишларига зафар ёр бўлишини тилаймиз.

# АКАДЕМИК АЗИЗХОН ҚАЮМОВ

**Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Атоқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик Азизхон Пўлатович Қаюмов 92 ёшида вафот этди.**



А.Қаюмов 1926 йили Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида зиёли оиласида туғилди. 1949 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини тамомлади.

Бўлғуси олим ўз меҳнат фаолиятини 1949 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим сифатида бошлади. 1954 йилда номзодлик, 1962 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А.Қаюмов узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти директори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири, Маданият вазири, Давлат кинематография комитети раиси, Тошкент давлат маданият институти ректори, Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти директори каби масъулиятли лавозимларда самарали хизмат қилди. 1995-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида фаолият олиб борди.

1998 йилдан ҳаётининг охирги кунларигача Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг етакчи илмий ходими вазифасида сидқидилдан меҳнат қилди.

XX аср ўзбек адабиётшунослигининг улуғ намояндаси Азизхон Қаюмов юксак интеллектуал салоҳият соҳиби, атоқли олим, заҳматкаш ва толмас тадқиқотчи сифатида Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллари асарларини пухта ўрганиб, бу улкан адабий меросни халқимизга етказишда ҳақиқий фидойилик ва маънавий жасорат кўрсатди.

Устоз адабиётшуноснинг ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари, ўн жилдлик "Танланган асарлар" тўплами, шунингдек, "Навоийга таъзим", "Алишер Навоий", "Дилкушо такрорлар – руҳафзо ашъорлар", "Аҳмад Фарғоний" каби кўплаб сермазмун асарлари китобхонларнинг маънавий мулкига айланди.

Ёрқин истеъдод ва тафаккур эгаси бўлган академик олим ўз фаолияти мобайнида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Азизхон Қаюмов умрининг охирига қадар юртимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида фаол иштирок этди. У ўзининг теран ақл-заковати, бетакрор истеъдоди, меҳнатсеварлиги, бағрикенглик ва меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлари билан адабиёт ва санъат мухлислари, ёшлар орасида, бутун халқимиз ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган эди.

Академик А.Қаюмовнинг мамлакатимиз илм-фани, адабиёт ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони, "Эл-юрт ҳурмати", "Буюк хизматлари учун" орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Азизхон Қаюмовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш.Мирзиёев, Н.Йўлдошев, Н.Исмоилов, А.Арипов, Б.Йўлдошев, М.Аҳмедов, Б.Назаров**

## » OCHIQ MULOQOT

**Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида "Ёшлар ажримларга қарши" мавзуида очиқ мулоқот ташкил этилди.



# ДАРЗ КЕТМАСИН ОИЛАЛАРГА

Унда ҳуқуқшунослар, психологлар, диний уламолар, шунингдек, талабалар ҳамда ёш оилалар вакиллари қатнашди.

Тошкент давлат юридик университети профессори Омонулла Муҳаммаджонов, "Оила" илмий-амалий маркази ходими, психология фанлари номзоди Нигора Шомуродова, Тошкент шаҳар бош имом хатиби ўринбосари Жасурбек Раупов ва бошқалар оилавий ажримларнинг сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари хусусида фикр юритди.

Оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолганларга ёрдам кўрсатишга доир мулоҳазалар ҳам билдирилиб, ёшларнинг позициясига қулоқ тутилди. Талабалар мутахассислардан ўз саволларига атрофлича жавоб олди.

## DUNYO BIZ HAQIMIZDA



# "LONELY PLANET" иккала мақоласини бағишлади

Туризм мавзусига ихтисослашган дунёдаги энг нуфузли ва машҳур журналлардан бири — "Lonely Planet" (Австралия)да юртимизнинг соҳадаги салоҳиятига доир бир йўла иккита материал эълон қилинди. Уларни нашрнинг британиялик муҳаррири Меган Ивз тайёрлаган.

Биринчи мақолада Ўзбекистон раҳбариятининг виза бериш тартибига киритган ўзгартиришлари хусусида сўз юритилади. Таъкидланганидек, 2018 йил 10 феврaлдан бошлаб Исроил, Индонезия, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Япония ва Туркия фуқаролари республика ҳудудига 30 кун муддатга визасиз кириши мумкин. Яна 39 та давлат, шу жумладан, Европа иттифоқининг айрим мамлакатларидан келувчи сайёҳлар учун виза олиш тартиби енгиллаштирилган.

"Lonely Planet" ўқувчиларини расмий Тошкент жорий йил июлидан электрон визалар бериш тартибини жорий этишни режалаштиргани ҳақида ҳам хабардор этади.

Меган Ивзнинг иккинчи материали видеоочерк форматида бўлиб, унда журналист Ўзбекистон бўйлаб саёҳатидан олган таассуротлари билан бўлишади. Кўҳна ва боқий Бухоро шаҳрида инглиз шарҳловчисини Минораи Калон лол қолдирган бўлса, Самарқанддаги машҳур Регистон майдонини у Ўзбекистоннинг бош ташриф қоғози, дея таърифлайди. М.Ивз Қизилқум саҳросидаги ўтовда ўтказилган унутилмас кечани ҳам ҳайрат билан ёдга олган.

# ИСПАНЛАР истиқболимизга ишонади

Испаниянинг Толедо шаҳрида сармоя ва савдо соҳасида анъанавий "IPEX – 2018" форуми бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли тадбирда юздан зиёд мамлакатдан келган компания раҳбарлари қаторида юртимиз ишбилармонлари ҳам қатнашди.

Форум доирасида "Ўзбекистондаги иқтисодий ва институционал ислоҳотлар: Испания бизнес вакиллари ва сармоядорлари учун янги имкониятлар" мавзуида анжуман ташкил этилди. Тадбир иштирокчиларига 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар хусусида маълумот берилди. Бу борада нуфузли экспертлар ҳам ўз фикрларини билдирди.

Жумладан, IPEX саноат департаменти директори Виолета Лупаску бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар эътиборини жалб этувчи муҳим иқтисодий ўзгаришлар юз бераётганини қайд этган бўлса, "Gemina Proceso Alimentaios S.L." саноат компанияси бизнес-директори Франциско Хавеьер Уртадо мамлакат раҳбарининг ташаббус ва ғоялари икки томонлама ҳамкорлик учун кенг йўл очганини айтган.

# "THE TIMES OF ISRAEL" ўлмас санъатимизни мадҳ этди

Исроилнинг етакчи онлайн нашри — "The Times of Israel" "Шашмақом" жонланмоқда" сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда мақом санъатимиз ҳақида сўз юритилган.

"Бугунги кунда бутун дунёда ўзбек маданий мероси ва қадриятларини теран идрок этишга қизиқиш тобора кучаймоқда", — деб ёзади муаллиф. Мақоладан яқинда Нью-Йорк шаҳрида Юнус Ражабий таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Шашмақом" барҳаёт" IV халқаро мусиқа фестивали тафсилотлари ҳам ўрин олган.

"The Times of Israel" ўз ўқувчиларига ўтган йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори имзолангани ва унда 2018 йилдан бошлаб кўҳна Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгилангани ҳақида ҳам эслатади. Нашр позициясига кўра, бундай амалий қадамлар мумтоз мусиқа ривожига хизмат қилибгина қолмай, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги нуфузини янада юқори поғонага

# ТОҒЛАРИМИЗ европаликларни мафтун этмоқда

Бельгиянинг Гент шаҳрида тоғ туризми бўйича ўтказилган анъанавий ярмаркада соҳанинг 30 дан зиёд маҳаллий ва хорижий субъектлари қаторида юртимиз сайёҳлик индустрияси вакиллари ҳам қатнашди.

Ўзбек туроператорлари европаликларга жаннатмонанд ўлкамизнинг фусункор табиати ва тоғ ландшафти, хусусан, Чимён ҳамда Белдерсой дам олиш зоналари, шунингдек, Товоқсой ва Оқтош ҳудудидаги Каржантау тизмаси, Қизилсув, Угам дарёлари атрофида сайёҳлар учун яратилган шароитлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Бельгиялик мутахассислар Ўзбекистоннинг бу борадаги имкониятларини юқори баҳолади.

Мамлакатимизда уч маротаба меҳмон бўлиб кетган Де Белфруа Филиппнинг таъкидлашича, қишда тоғларимизда қор сероб бўлиб, бундай ҳолат юксак чўққиларни забт этишга ошиқувчи экстремал сайёҳлар, шунингдек, чанғи спорти ишқибозлари эътиборини тортиши аниқ. Бунинг учун тегишли инфратузилма яратилган. Қолаверса, малакали инструкторлар жамоаси мавжуд. Охирги вақтда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар, виза олиш тартибининг соддалаштирилаётгани, айрим мамлакатлар фуқаролари учун эса, мутлақо бекор қилингани ижобий натижа бераётир. "Ўйлайманки, бундай ўзгаришлар Европа Иттифоқидан ҳам сайёҳлар оқимининг кенгайишига сабаб бўлади", — дея ишонч билдирди халқаро эксперт.

**"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.**

## » YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

# ЙЎҚЛОВДАН КЎНГИЛЛАР ШОД

**Навоий вилоятида Ёшлар иттифоқининг етакчи ва сардорлари эзгу ташаббусларни илгари сурмоқда.**



**Шодлик ҒАЙБУЛЛАЕВ**

Йил аввалидан сардорлар таклифига кўра, Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши қошида таълим муассасалари ва оилалардаги муаммоларни таҳлил этиш, ёшларнинг ижтимоий кайфиятини ўрганиш, жисмоний имконияти чекланган ўқувчилар билан ишлаш, шунингдек, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган махсус клублар фаолияти йўлга қўйилди.

Ёшларга психологик хизмат кўрсатиш клубига бугунги кунда ҳудуддаги ёш педагог ва психологлар жамоатчилик асосида жалб қилиняпти. Тузилманинг раҳбари Фарҳод Норбўтаев Навоий давлат педагогика институтида таҳсил олади. Унинг ғайрати билан барча умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида сўровномалар ўтказилди. Натижада Навоий шаҳридаги 3-мактабнинг бир нафар ўқувчиси ўз жонига қасд қилмоқчи экани аниқланди. Мактаб психологи билан ҳамкорликда мазкур ҳолатнинг олдини олиш юзасидан амалий чоралар кўрилди.

Имконияти чекланган ёшлар билан ишлаш клубида ҳам ташаббуслар кам эмас. Яқинда унинг аъзолари "Биз сен билан бир сафдамиз!" лойиҳаси доирасида вилоят маркази ҳамда туманлардаги бир гуруҳ тенгдошлари ҳолидан хабар олди.

Сардорлар биринчи бўлиб Кармана туманидаги "Деҳқон" маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳодия Бафоеванинг хонадонига кирди. Бу қизалоқ 25-ихтисослашган махсус мактаб-интернатининг 2-синфида ўқийди. Йўқловдан унинг кўнгли беҳад шодланди. Ҳодия ўз хоҳишига кўра сардорликка қабул қилинди.

Клуб аъзоларининг кейинги манзили тумандаги Мурувват уйи бўлди. У ерда яшаётган 20 ёшли Машраб Рўзиев ҳамда 22 ёшли Юлдуз Усмонқулова кўксига Иттифоқнинг кўкрак нишонлари тақилди.





Мурувват уйида яшаётган 22 ёшли Юлдуз Усмонқулова кўксига Ёшлар иттифоқининг кўкрак нишони тақилди.

Шунингдек, иккисига 12 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари эҳсон тариқасида тақдим этилди.

Юлдуз китоб мутолааси ва шеър ёзишга қизиқишини айтди. Меҳмонларга ижод намуналаридан ўқиб берди. Ёшлар ташкилотининг Кармана тумани кенгаши раиси унинг шеърларини маҳаллий даврий матбуот нашрларида чоп этишда ёрдам кўрсатадиган бўлди.

Шундан сўнг сардорлар Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи Фирдавс Нарзуллаевнинг хонадонига кирди. Наврастанинг отаси кўзига ёш олиб, фарзандини йўқлаб келган тенгдошларига миннатдорлик билдирди.

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI YOSHLAR OVOZI

» TURFA TAQDIRLAR



# Меҳр беринг митти қалбларга

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Ўгай она деганда "Зумрад ва Қиммат", "Ёрилтош", "Аёз бобо" эртакларидаги бемеҳр, қаттиққўл, баджаҳл аёллар кўз олдимизга келади. Тақдирнинг бешафқат кўргуликларидан бири — онадан эрта ажрамоқ. Сиз учун кеча-кундуз тинмаган, киприклари билан силаб ухлатгувчи, нон деганда новвот, сув деганда бол тутгувчи муштипарингиз меҳрига тўймай туриб, уни йўқотмоқ кулфат.

Баъзан оилавий шароит туфайли онаизорнинг тупроғи совимай туриб, ўзга аёлнинг хонадонга кириб келишини фарзандлар ҳазм қилолмайди. Келган аёл инсофли, болажон, жафокаш бўлса-ку, майли. Акси бўлса-чи?! Бундай ҳолатда онасидан жудо бўлган норасталарнинг дил яралари тирналади.

"Бошидан ўтказган табиб" деганларидек, шундай қисмат эгаларининг кўнглига қўл солдик.

**ФАРИДА:**

— Укамни дунёга келтириш чоғида, шифокорларнинг бепарволиги оқибатида ўттиз икки ёшли онамдан ажралиб қолдик. Синглим ва чақалоқ укам билан чирқираб қолавердик. Оҳларимиз осмонни тутди.

Онамнинг маракаларидан сўнг отам уйланиш тараддудига тушиб қолди. У кишининг ҳолатини тушундим. Тўғри, чақалоқ парвариши, бир ёқдан бизлар ёш — хонадонимизга бека керак. Аҳволимиз жуда аянчли, уйимиз ҳувиллаб қолган... Синглим бечорани ғам, соғинч улғайтирган, уни тўққиз яшар қизалоқ деб бўлмасди. Укамга аммам қарар, биз унга ёрдам берардик. Чақалоқ чириллаб йиғлаганда аммам ўзини қаерга қўйишни билмас, Яратганга нола қилиб, ўзи ҳам гўдакка қўшилиб йиғларди. Онамнинг ўлимидан икки ой ўтар-ўтмас, укам ҳам вафот этди. Уйимизда қабристон сукунати ҳукм сурарди...

Хуллас, дадам уйланадиган бўлди. Буни синглим иккимиз асло истамасдик. Аммо на илож. Кичкина тўй бўлди. Ўгай онамиз оппоққина, ўсма-сурмаси жойида экан. Дадам биздан хижолат бўлар, лекин янги онамиз атрофида гирдикапалак эди. Тўйдан икки кун ўтмай ангинам шишиб, иситмаладим. Томоғимдан ҳатто сув ўтмай қолди. Тинка-мадорим қуриб, ётиб қолдим. Синглим шўрлик менга илҳақ бўла-бўла, мактабга кетди. Дадам ишда. Ўгай онам менга ёвқараш қилиб, идиш-товоқларни тарақлатиб юва бошлади.

Тушгача дори-дармонсиз, иситмада алаҳсираб ётдим. Ўгай онам мени атайин қиляпти деб ўйлади шекилли, ақалли ҳол-аҳвол сўрамади. Онамнинг қадри шу қадар ўтдики!

— Қарашиб юборинг, шунча ишни бир ўзим қилолмайман. Уйингизга чўри бўлиш учун келганим йўқ, — деди ўгай онам ўқрайиб, алам билан.

— Ая, — дедим зўрға, тилим келмай, — менга яраша ишни ажратиб қўйинг, сал ўзимга келволай.

Ваҳоланки, кечқурун еган бир қошиқ луқма билан ётар эдим. Қани энди, шу дамда онажоним бўлганида. Жони ачиб дори-дармон берар, зўрлаб овқат ичирар, пешонамга иссиққина қўлларини босиб, ёнимда гиргиттон бўларди.

**ЗУЛФИЗАР:**

— Онам бу ёруғ оламни тарк этганида мен олти, акаларим ўн икки ва ўн ёшда эдик. Дадамни эса, ҳали эрга тегмаган ўттиз етти ёшли қизга уйлантиришди. Сал эркакшодалигини айтмаса эпчил, меҳнатсевар, ораста аёл эди. У биз билан бирпасда тил топишди.

Иккинчи акам шўхроқ бўлган. Янги онамиз келган илк куни у мактабдан йиғлаб келди —ўқитувчиси урибди. Онамнинг жаҳли чиқди, юзи ғазабдан бўғриқиб кетгани ҳалигача кўз ўнгимдан кетмайди. Укамни етаклаб, мактабга жўнади, мен ҳам уларнинг ортидан эргашдим. Ўқитувчи эндигина олийгоҳни битириб келган ёшгина йигитча экан. Онам уни бир четга олиб чиқди.

— Етимни нега урдинг, Худо қаҳридан қўрқмайсанми? — деди қошини кериб.

Йигит онамнинг авзойини кўриб, довдираб қолди.

— Қанақа шикоятинг бўлса менга айт, лекин болага қўлингни кўтарма, тушундингми?! — деди онам.

Йигит бошини ирғаб, тасдиқ ишорасини билдирди.

Хуллас, ўгай онам сира ўгайлик қилмади. Бизни ўқитиб, яхши тарбия берди. Ҳозир барчамиз уйли-жойлимиз.

**ДИЛБАР:**

— Турмуш ўртоғим билан ўн йил яшаб, фарзанд кўрмадим. Айб мендалигини билиб, шифокор хонасидан йиғлаб чиқдим, ота уйига қайтдим.

Уч фарзандли, хотини ўлган, ёши улуғроқ одамдан совчи келди.

Касбим педагог бўлса ҳам, бу ишдан чўчидим, яна ўйланиб қолдим. Ёшим қирққа қараб кетяпти, ота-онамни боғлаб берибдими?

Болаларнинг феъл-atворини, қайси таомни хуш кўриши, қизиққан машғулоти, ёқтирмайдиган нарсаларини билишга бел боғладим. Бўлажак турмуш ўртоғим билан кўримсизгина ошхонада суҳбатлашдик. У кишидан болалари ҳақида кўп маълумот олдим. Синф раҳбарлари билан гаплашдим. Сўнгра психологга бориб аҳволни тушунтирдим. Ахир, ўзимни оналикка тайёрлашим, жуда масъулиятли вазифани елкамга олишим, ҳар қандай қийинчилик, машаққатга мардонавор юз тутишим зарур эди.

Психолог маслаҳатларини тингладим. Ўзим каби қисматли оналар билан суҳбатлашдим. Маҳалла имом хатиби айтган насиҳатлар ҳанузгача қулоғимда жаранглаб турибди.

Шундай қилиб, ҳали ўзим туғмай туриб, уч болали онага айландим. Тақдир синовларига матонат, сабр-тоқат билан жавоб бердим. Ҳар сафар: "Дилбар, бу заҳматларнинг, албатта, мукофоти бор", — дердим ўзимга-ўзим. Болалар билан иноқлашиб кетдим. Яхши кунларга етгунча кўрган уқубатларни айтиб ўтирмай. Тақдирни қаранг — қирқ беш ёшимда фарзанд кўрдим. Балки бу етимлар бошини силаганим учун Яратганнинг менга берган улуғ инъомидир?!

* * *

Ҳа, беш қўл баробар эмас. Етимларга меҳр кўрсатиб, уларни оқ ювиб-оқ тараб, мустақил ҳаёт йўлига кузатган ўгай оналар ҳақида кўп эшитганмиз.

Эркак — кўчанинг одами. Оилада залворли вазифани бўйнига олгани билан жуфтидан ажраса, уйланишга мажбур. Фарзандлар тарбияси, уй-рўзғор юмушларини аёлгина тўкис бажара олади. Лекин кўп ҳолларда фарзандлар ўгай онани ўзиникидек қабул қилиши мушкул. Ким билсин, эҳтимол, болалар, хонадонига келган аёлга бағрини очса, ўгай она ҳам ўгайлик қилмас.

Азиз муштарий, бу борадаги фикр-мулоҳазаларингизни **yoshlarovozi@umail.uz** электрон манзили орқали кутамиз.

» MENING FIKRIM

# Интизомли бўлайлик!

**Фозила УСМОНХЎЖАЕВА,**
талаба

Яқинда интернетда Япония метрополитенидаги бир ҳолат тасвири эътиборимни тортди. Вагондаги йўловчилар икки томонга ажралиб, қатор тизилиб турибди. Поезд тўхтади. Манзилга етганлар тушиб бўлгачгина, ташқаридаги йўловчилар навбатма-навбат вагонга кира бошлади. Интизомни қаранг, биров чурқ этмайди-я!

Ўйланиб қолдим: бизнинг метрода ҳолат анча ўзгача. Эшик очилиши билан одамлар ёпирилиб киради. Туртиниб-суртиниб, аранг чиқиб оласан. Кичикларни кичик десанг, катталар ҳам қолишмайди. Нима, маданиятдан ортда қолганмизми? Ёки японлардан кам жойимиз борми?

Аслида бизда ҳам жамоат жойларида ўзини тутишнинг тартиб-қоидалари мавжуд. Аммо айримлар бунга амал қилишни истамайди. Танбеҳ берсангиз, сенга нима, дегандай қош чимиради.

Ҳозир барча метро бекатларида монитор ўрнатилган. Фикримча, тинимсиз реклама беришдан кўра, метрополитендан фойдаланиш қоидалари ижтимоий роликлар кўринишида одамларга тушунтириб берилса, нур устига нур бўлади. Шу тахлит айрим хунук ҳолатларнинг олди олинармиди.

» YOSHLIK ILHOMI

# Чумолилар мажлис қилмайди!

Раҳмат БОБОЖОН



Ҳафтанинг учинчи куни. Яна бир йиғилиш бўладиган, чоғи. Залга одамлар тўпланди. Кимдир қўлини оғзига тутиб енгил эснайди, кимнингдир уйқуга тўймаган кўзлари юмилай-юмилай, деб турибди.

— Бу мажлисбозликка зарурат бордир, аммо жуда эрта бошланиши чатоқ-да! Соат олтига етиб келишинг шарт. Кечиксанг, эшитадиганингни эшитиб, минг таъна-дашномга қоласан, — нола қилди бир одам.

— Э, нимасини айтасиз, ҳафтада етти кун бўлса, саккиз куни мажлис, ишлар қолиб кетяпти, далани шудгор қилиш керак, — жавоб берди ёнидаги фермер.

Кун қизий бошлади. Ичкарида дим ҳаво. Бошлиқдан ҳали ҳам дарак йўқ. Зални одамларнинг ғала-ғовури босди. Биров туриб деди:

— Мажлисни бошлаймизми-йўқми, шунча вақтдан бери маҳталмиз? Инсоф ҳам керак-ку!

Ўтирганлар яна баҳс-мунозарага киришиб кетди — қорани-оққа, оқни-қорага сола бошлади. "Мулозимлар" бошлиқни қидиришга тушди. Қарасаларки, у "жаноб" ҳокимият биносининг ўнг томонидаги боғда бир дарахт тагида ўтирибди.

— Ҳалиги, узр. Лекин одамлар кутиб қолди. Мажлисни бошласак бўлармиди, — деди улар хижолат бўлиб.

Бояги одам кўзини ердан узмай бепарво жавоб берди:

— Икки соатдан бери чумолиларни кузатиб ўтирибман: шунча меҳнат қилса-да, бироқ бирон марта ҳам мажлис қилишмади-я ?!

» MULOHAZA UCHUN MAVZU

# Одамлар ичра оламлар

Нозима МИЯССАРОВА

Ҳар куни турли қиёфаларга рўбарў келамиз. Бироқ уларнинг ички оламида не борлигини, айни дамда қандай муаммолар гирдобида қолганини билмаймиз.

Бепарволигимиз сабаб ноўрин фикрларга борамиз. Мен ҳар куни уч ҳолатга дуч келаман. Шу ҳақда мулоҳаза қилишни лозим топдим.

Автобус бекатда тўхтади дегунча, ёшлар ўзини орқа эшикка уради. Илгари қаерда йўловчи кам бўлса, ўша эшикдан чиқардим. Бу сафар мен ҳам орқага талпиндим. Бир отахон изимдан чиқди. Ёнимдаги ўсмирнинг хуноби ошди. "Қарияларга нима бор-а орқада?" — деди у энсаси қотиб. "Ўзингни ухлаганга сол, олдинроққа ўтиб кетади", — дея маслаҳат берди шериги. Аммо айтганидай бўлмади — йигит нойлож қарияга жой берди.

Ўша автобусда бир тенгдошим нуқул эътиборимни тортади. Талаба, чоғи. Бировга сира жой берай демайди. Ўзимча у ҳақда турли хаёлларга бордим, гап уқтирмоқчи ҳам бўлардим. Бир куни уни суяганча олиб кетишди...

Бекатда ёши олтмишдан ошган онахонни кўраман. Қотмадан келган бу аёл доимо оғир сумка кўтариб юради. Бир вақтда, битта автобусга чиқамиз. Манзил-маконию нима иш қилишини билгим келарди. Аммо ўзидан сўрашга ботинолмасдим.

Бугун у мендан ёрдам сўради. Юкини йўлдан ўтказиб бердим. Анча оғир экан. Автобусга чиқдик. Савобли ишни охиригача қилай, дея кампир билан бирга тушдим. Нуфузли ташкилотга келдик. Онахон ўғлини чақириб беришни илтимос қилди. Узоқдан барваста йигит бўй кўрсатди. Волидаси шиша идиш тўла халтани унга тутқазди.

Она ҳар куни шу ерга қатиқ олиб келар, ўғли эса, пулларкан. Обрўли жойда ишласа-да, топадигани оила тебратишга етмайди, шекилли. Бошқа томондан, она узоқ масофадан оғир юкни кўтариб келса-ю, ўғил уялмасдан нақдини чўнтакка урса, бу ҳам инсофдан эмас.

Бундай вазиятларни кўриб, юзаки хулоса чиқаришимиз мумкин. Чуқур мушоҳада қилишга эса, вақтни қизғанамиз. Оқибат кимнидир сурбетликда, бировни тарбиясизликда айблаймиз. Аслида-чи?! Асл ҳақиқат эса, ҳамма нарса ҳам кўрингани каби бўлмайди. Шуни ёддан чиқармайлик.

» BILASIZMI?

# 21 февраль — Халқаро она тили куни




Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Мазкур сана 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан таъсис этилган. Бу анъана дунё халқларини ўлмас қадрият саналмиш она тилини сақлаш ва ардоқлашга даъват этиб келмоқда.

Илмий истилоҳда "халқаро тиллар" деган тушунча мавжуд. У турли давлатлар халқларининг ўзаро алоқа воситасини ифодалайди. Антик давр ва ўрта асрларда халқаро тиллар муайян минтақа доирасида қўлланилган. Чунончи, кўҳна Шарқ халқлари ўртасида хитой тили (иероглифик шаклда), Ғарбий Осиё ҳудудидаги қадимги давлатларда эса, турли даврларда шумер, аккад, оромий тиллари муомалада бўлган. Санаб ўтилганларнинг бари табиий тиллар сирасига киради. Ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ минтақасида араб ва форс тиллари халқаро тил вазифасини бажарган.

XVIII асрдан сўнг жаҳон тиллари пайдо бўла бошлади. Аввалига бу мақомга француз, кейинчалик инглиз, немис, рус тиллари ҳам эришди. Халқаро тил ибораси ҳозир ҳам мавжуд. Фақат эндиликда у, асосан, халқаро ташкилотлар доирасида ишлатиб келинмоқда. Масалан, БМТ расмий ва ишчи тиллари сифатида инглиз, араб, испан, хитой, рус, француз тиллари қабул қилинган.

Ўзбек тили биз учун, сўзсиз, тенгсиз қадрият. У неча минг йиллар давомида миллатнинг маънавий бойлиги сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Шу боис чуқур ҳурмат ва эъзозга лойиқдир. Истиқлол даврида юртимизда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. Бу, ўз-ўзидан, она тилимизга бўлган эътиборнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Ушбу илм даргоҳи талабалари келажакда она тилимиз қудратини жаҳон узра намоён этишига ишонамиз.

» 1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

**— Мен фаолият юритаётган ташкилотда иш вақтидан кейин ҳам қолиб ишлашга тўғри келади. Қонунчилигимизда бунинг меъёри белгиланганми?**

**Козим КОМИЛОВ**
Жиззах вилояти

**Саволга Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси Эҳром САЙФУЛЛАЕВ жавоб беради:**

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 125-моддасига мувофиқ, иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соат (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда — бир кунда икки соат) дан ва йилига 120 соатдан ошмаслиги керак. Бунда иш берувчи ходимнинг ишдан кейин қолиб ишлаган вақтини кунма-кун ҳисобга олиб бориши шарт.

» BIR SHINGIL FALSAFA

**Аҳмадбек АЛИМБЕКОВ**

**ТИНИҚЛИК**

— Нимага томчида қуёш акс этади?
— Чунки у тиниқ.

**ЛАЗЗАТ**

Кутишнинг лаззати умидда. Умиднинг лаззати саботда. Саботнинг лаззати ғурурда. Ғурурнинг-чи?..

**ДОНИШЛИК**

Қулоғи борларнинг бари гап уққанида, қирқ қулоқли қозон энг донишманд бўларди.

» E`LON

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2004 йил 20 апрелда 09-1617 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган "KAMOLOT-TURNE" шўъба корхонаси ёпилишини маълум қилади.

Аризалар 20 апрелгача қабул қилинади.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-6998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Нодирабегим Жамолова

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-236.
Адади — 28510
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.35
ЎзА якуни
Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5